

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2019 йил 19 июнь, № 124 (7354) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## 2019 – 2023 ЙИЛЛАРДА МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИДА ТАЛАБ ЮҚОРИ БЎЛГАН МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ИЛМИЙ САЛОҲИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ўз фаолияти даврида таълим ва илм-фанни ривожлантиришга, шунингдек, республика иқтисодиётининг турли тармоқлари, ижтимоий ва маънавий соҳалари учун кадрлар тайёрлашга салмоқли ҳисса қўшди. Ўтган даврда 100 нафардан ортиқ академик ва 2,5 минг нафардан зиёд фан докторлари ва номзодлари тайёрланди. Т. Саримсоқов, С. Сирожиддинов, М. Салоҳиддиновнинг математиклар, Ж. Мусаевнинг биокимёгарлар, Ҳ. Абдуллаев, Т. Долимовнинг геологлар мактаблари кенг эътироф этилди. Ўзбекистон Қаҳрамонлари А. Орипов, Э. Воҳидов, О. Шарафиддинов ва С. Ғаниева университетда таълим-тарбия олдилар.

Ўқув жараёни замонавий талаблар ҳисобга олинган ҳолда мутахассислар тайёрлашнинг, шунингдек, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари билан янгиланди. Олий малакали илмий кадрлар тайёрлашнинг янги икки босқичли тизими жорий этилди. Сўнгги 10 йилда турли йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича 26 мингдан ортиқ малакали битирувчилар университет дипломини олдилар.

Ҳозирги вақтда 114 та, шу жумладан, 18 та халқаро илмий ва илмий-таълим лойиҳалари амалга оширилмоқда, уларда университетнинг 50,0 фоиздан ортиқ ўқитувчилари иштирок этмоқда. 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб "геодезия ва геоинформатика" йўналиши бўйича Қозон федерал университети (Россия Федерацияси) ва "компьютер фанлари", "муҳандислик математикаси", "технологик менежмент" йўналишлари бўйича Холон технологиялар институти (Исроил) билан қўшма таълим дастурлари амалга оширилмоқда. Жаҳоннинг етакчи университетларида 226 нафар ўқитувчи ва докторантларнинг тажриба орттириши, малака ошириши ва илмий тадқиқотлар олиб бориши таъминланмоқда.

Университетнинг моддий-техника базасини модернизациялаш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. 2 та янги факультет очилди, янги лаборатория ускуналари билан жиҳозланган ўқув-лаборатория корпуслари реконструкция қилинди. Профессор-ўқитувчилар таркиби меҳнатига ҳақ тўлаш 2,5 баравар оширилди.

Давлат томонидан кўрилаётган ҳар томонлама ёрдам ва қўллаб-қувватлаш университет фаолиятида фақат **"... ижодий ва тизимли фикрлайдиган, ностандарт қарорлар қабул қилишга қодир бўлган, мамлакат манфаатини ҳамма нарсадан устун қўядиган юқори малакали мутахассислар..."** тайёрлашгагина эмас, балки қобилиятли ва истеъдодли талаба-ёшларнинг тарбиясига ҳам сўзсиз кўмаклашмоқда.

Бугунги кунда университет талабаларининг 73,0 фоизини Қорақалпоғистон Республикаси ва республиканинг барча 12 вилоятидан келган талабалар ташкил этади. Улар орасида Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибалари, номли стипендиатлар, фанлар бўйича халқаро ва республика олимпиадалари совриндорлари, спорт турлари бўйича жаҳон ва Осиё чемпионатлари ғолиблари бор. С. Сирожиддинов номидаги академик лицей битирувчиларининг 87,0 фоизидан ортиғи республика олий таълим муассасаларига муваффақиятли кирдилар ва ўқишни давом эттирмоқдалар.

Шу билан бирга, танқидий ва ҳар томонлама таҳлилларда юқори малакали кадрлар тайёрлаш, илмий ва кўп қиррали инсон капиталини ривожлантириш соҳасида жиддий тўғоноқ ва тўсиқ бўлаётган комплекс камчиликлар ва муаммолар аниқланди. **Кейинги йилларда университетнинг Миллий университет мақомига муносиб бўлиши учун амалий ва самарали чора-тадбирлар таъминланмади.** Шу жумладан:

**биринчидан** — ҳар бир факультет ва кафедра бўйича таълимнинг йўналишлари ва мутахассисликлари таркиби, шунингдек, қабул квоталари реал эҳтиёждан анча орқада қолмоқда, кўпинча ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига, меҳнат бозори ва кадрларнинг буюртмачилари эҳтиёжларига мос келмайди. Битирувчиларнинг ишга жойлаштирилиши ҳамма вақт ҳам эгалланган мутахассисликка мувофиқ эмас;

**иккинчидан** — таълим жараёнига, шу жумладан, синовдан ўтган ва халқаро стандартларга мувофиқ бўлган замонавий педагогик технологияларни жорий этиш даражаси паст. Таълим жараёнини ўқув-методик таъминлаш ва унинг мазмуни иқтисодиёт тармоқларининг инновацион ва технологик ривожланишидан орқада қолмоқда, талабаларнинг назарий ва ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш самарали эмас;

**учинчидан** — университетни, шу жумладан, ўқув-тарбиявий ва илмий жараённи самарали бошқаришни таъминлаш учун кадрлар захирасини тайёрлашнинг аниқ ифодаланган тизими мавжуд эмас. Айрим педагог кадрларнинг касбий маҳорати даражаси етарли эмаслиги, малака ошириш курсларининг, педагог ва илмий ходимлар стажировкасининг самарасизлиги, магистрантлар ва диссертантларнинг раҳбарлари ва маслаҳатчиларини тайинлашда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот институтлари салоҳиятини суст жалб этиш, турли дастурлар, шу жумладан, чет элда магистратура бўйича кадрлар тайёрлашнинг тизимсизлиги сақланиб қолмоқда;

**тўртинчидан** — университет ўқитувчиларининг атиги 59,0 фоизи илмий даражага эга, фан докторларининг ўртача ёши 61 ёшни, фан номзодларининг ўртача ёши — 54 ёшни ташкил этмоқда. **Университет нуфузли халқаро агентликлар рейтингига кирмайди, олимларнинг илмий мақолаларидан халқаро иқтибос келтириш даражаси пастлигича қолмоқда, талабалар маълум бир қисмининг илм-фанга интилиши ва қизиқиши жуда суст эканлиги кузатилмоқда**;

**бешинчидан** — университет ахборот тизимининг мазмуни, унумдорлиги ва сифати, шунингдек, IT мутахассисларининг ўз ишини билиши паст даражада қолмоқда. Юқори тезликдаги Интернет тармоғидан фойдаланиш имконияти йўқ, университет ҳудудининг атиги 7,0 фоизида Интернетга, шу жумладан, хорижий ахборот таълим ресурсларига симсиз уланиш мумкин;

**олтинчидан** — етакчи хорижий ихтисослашган илмий марказлар билан, айниқса, илмий стажировкалар асосида яқин шериклик муносабатларини ўрнатиш ишлари зарур тарзда амалга оширилмаяпти, университетнинг ўқув ва илмий фаолиятига жалб этилган хорижий профессорлар ва ўқитувчилар сони етарли эмас;

**еттинчидан** — ўтказилган социологик тадқиқотлар йигитлар ва қизлар, шунингдек, ёш педагоглар билан олиб борилаётган маънавий-маърифий ишларни аниқ мазмун билан тўлдириш, уларда билимга интилишнигина эмас, балки инсонпарварликнинг миллий анъаналарига содиқлик ва юксак маънавиятни тарбиялаш, ёт ғоялар ва мафкураларга нисбатан танқидий тафаккур ва иммунитетни мустаҳкамлаш зарурлигини кўрсатмоқда. Ректорат, факультетлар ва кафедраларнинг кўпчилик раҳбарлари ушбу муҳим ишдан ўзларини четга олишган, уларнинг талабалар тураржойларида ёшлар билан учрашувлари сони жуда кам. Дам олиш, кўплаб тадбирларнинг, шу жумладан, маданий-оммавий ва спорт тадбирларининг даражаси пастлигича қолмоқда;

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2019 йил 18 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Олий Мажлис Сенати Раиси Нигматилла Йўлдошев олиб борди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисини жорий йилнинг 21 июнь куни Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ялпи мажлис кун тартибига мамлакатимиз тараққиётининг сифат жиҳатидан янги босқичида белгиланган мақсадлар ва вазифаларни амалга оширишга, барча соҳада олиб борилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросига қаратилган Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонунлари киритилган.

Янги таҳрирдаги "Туризм тўғрисида"ги, "Шахсга доир маълумотлар тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисида"ги, "Қурол тўғрисида"ги, "Халқаро меҳнат ташкилотининг 1930 йилдаги Мажбурий меҳнат тўғрисидаги 29-сонли Конвенциясига Баённомани (Женева, 2014 йил 11 июнь) ратификация қилиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари шулар жумласидандир.

Ялпи мажлисда Навоий вилоятининг Навоий шаҳри ва Кармана тумани чегараларини ўзгартириш тўғрисидаги масала кўриб чиқилади.

Сенаторлар томонидан Сирдарё вилояти ҳокимининг ҳудудларни ривожлантириш ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолияти ҳақидаги ҳисоботи ҳам эшитилади.

Сенат аъзолари Истиқболли туризм йўналишида Ўзбекистон халқаро имиджини ошириш чоралари тўғрисида, Ички ишлар вазирлиги академик лицейларида қонун ҳужжатлари ижроси ҳолати тўғрисида ҳукуматга парламент сўровлари юбориш масаласини муҳокама қиладилар, шунингдек, илгари юборилган парламент сўровлари натижаларини кўриб чиқадилар.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатларига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинади.

Олий Мажлис Сенати қўмиталари ва девонининг йигирманчи ялпи мажлисга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир ишларини мувофиқлаштириш учун ишчи гуруҳ тузилди.

Шунингдек, мажлисда Кенгаш ваколатига кирадиган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати.**

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати йигирманчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирманчи ялпи мажлиси 2019 йил 21 июнь куни соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2019 йил 20 июнь куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

## ЎЗБЕКИСТОН — АҚШ БИЗНЕС ФОРУМИ

*Мамлакатимизнинг хорижий давлатлар билан алоқалари ривожида Америка Қўшма Штатлари билан ҳамкорлик муносабатлари алоҳида ўрин тутади. Давлатимиз раҳбарининг АҚШга ташрифидан сўнг икки мамлакат ўртасидаги дипломатик муносабатлар тарихида янги саҳифа очилди. Бу жараёнда савдо-иқтисодий алоқалар ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.*

18 июнь куни АҚШнинг сертификатланган илк савдо миссияси мамлакатимизга ташриф буюрди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил октябрь ойида АҚШ савдо вазири Уилбур Росс билан учрашувида эришилган келишувлар ижроси доирасида амалга оширилган бу тадбир иқтисодий ҳамкорликни янада фаоллаштириш йўлидаги интилишларнинг мантиқий давомидир.

АҚШ делегациясининг ташрифи доирасида Ўзбекистон — АҚШ бизнес форуми ташкил этилди. Унда мамлакатимизнинг тегишли вазирлик ва идоралари, савдо, молия, қишлоқ хўжалиги, машинасозлик, таълим, соғлиқни сақлаш каби соҳаларда фаолият юритувчи компаниялар раҳбарлари, бизнес доиралар вакиллари, шунингдек, АҚШнинг 13 та йирик компанияси масъуллари қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазири С. Умурзоқов, Савдо-саноат палатаси раиси А. Икромов ва бошқалар ўзаро ҳамкорлик кўп қиррали аҳамият касб этишини, мамлакатимизда ишбилармонлар учун яратилаётган қулай бизнес муҳити бошқа хорижий компаниялар қатори америкалик инвесторларда ҳам катта қизиқиш уйғотаётганини таъкидлади.

→ 3

Эътироф

## ЯХШИ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ, ИЖОДИЙ МУҲИТ ВА ШАРОИТ

Қизига ана шундай имкониятлар яратиб берган Ҳикматилла Ёқубовга Президент совғаси топширилди.




Т. МАМАДАМИНОВ (ЎзА) олган сурат.

Президент Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 1 июнь куни Тошкент вилоятида бўлиб, Бўка туманидаги Бўстон маҳалласида беш ташаббус доирасида амалга оширилаётган ишлар билан танишди. Мазкур ташриф чоғида ҳудуддаги 27-умумтаълим мактабининг 3-синф ўқувчиси Фазилат Ёқубова ўзининг беш ташаббус ҳақидаги шеърини ўқиб берган эди...

Ўша куни давлатимиз раҳбари қизига яхши таълим-тарбия, ижодий муҳит ва шароит яратиб бергани учун Фазилатнинг отасига автомобиль совға қилинишини, ўзига эса уйида "Фазилат" номли кутубхона очиб берилишини айтди. Бу хушхабар мамлакатимиз бўйлаб кенг ёйилди.

Куни кеча Президент томонидан ваъда қилинган "Cobalt" автомашинаси ёш шоира қизнинг ота-онасига топширилди. Маънавий-маърифий тадбир ўтказиш учун пойтахтдан борган таниқли олимлар уй кутубхонаси учун ноёб адабиётларни ҳам туҳфа қилишди.

— Ота-она учун фарзандининг ортидан яхши гап эшитиш — катта бахт, — дейди Фазилатнинг отаси Ҳикматилла Ёқубов.

→ 3

Муносабат

## АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛУВЧИ ТАШАББУСЛАР

***Ўтган ҳафтада муҳим ижтимоий-сиёсий воқеалар — Бишкек шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ҳамда Душанбе шаҳрида Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг навбатдаги саммитлари бўлиб ўтди.***

***Уларда Президентимиз Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, бир қатор таклиф ва ташаббусларни илгари сурди. Ушбу ташаббуслар нафақат халқаро ҳамжамият, балки мамлакатимизнинг кенг жамоатчилиги томонидан ҳам катта мамнуният билан кутиб олинди.***

→ 3

## БОЛАЛАР ФУТБОЛИ РИВОЖЛАНМАСА

### орзуларимиз орзулигича қолиб кетаверади



*БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ва Халқаро футбол ассоциациялари федерацияси (ФИФА) ўртасидаги битимга биноан, "19 июнь — Жаҳон болалар футболи куни" деб эълон қилинган. Бундан кўзланган мақсад дунё ҳамжамияти эътиборини болалар футболи муаммоларига қаратиш ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишдан иборат. Ҳар йили шу куни турли мамлакатларда кўплаб тадбирлар, акциялар ташкил этилади.*

Мулоҳаза

Бутун дунёда профессионал футбол учта муҳим ҳалқа: "болалар-ўсмирлар спорти — клуб — терма жамоа" асосига қурилишини аллақачон англаб етишган. Мамлакат футболини ривожлантиришнинг бундан-да оқилона йўли йўқлиги амалиётда ўз исботини топган.

14 июнь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳисобот-сайлов конференциясида ЎФАнинг биринчи вице-президенти этиб Равшан Эрматов сайланди. Биз янги жамоага муваффақиятлар ёр бўлишини тилаймиз. Уларнинг зиммасида жуда катта вазифалар турибди. Ташкилот янги раҳбарининг болалар футболидан чиқиб келганини, мақсад сари собитқадамлик билан интилишини ва меҳнат қилишини, нафақат Ўзбекистон, балки дунё футбол ҳамжамиятида ўзига яраша обрў-эътиборга эгалиги бу жараёнда муҳим аҳамият касб этади, албатта. У ва янги жамоаси издан чиққан локомотивни қисқа муддатда тўғри йўлга қайта қўя олишига умид қиламиз ва ишонамиз. Шу жумладан, болалар футболида ҳам ижобий ўзгаришларни кутамиз.

Сўнгги даврда ўйламай-нетмай қилинган ишлар оқибатида катта футбол учун ўринбосарлар етказиб бериш тизими ишдан чиқди. Янги иқтидор эгаларини танлаб олиш мақсадида бутун мамлакат бўйлаб болалар ўртасида 1000 та мусобақа ўтказилиши ҳақида бонг урилди. Оммавий ахборот воситаларида мазкур мусобақаларнинг тақдирлаш маросимлари ва футбол раҳбарияти номидан совғалар топширилгани кенг ёритилди. Ёш авлоднинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида бундай турнирлар ўтказиш ва уларни тарғиб қилиш фойдали, албатта. Лекин селекция ишларини жиддий ўйлаб кўриш зарур.

Ушбу фикрни изоҳлаб ўтайлик. Республикамизда 200 шаҳар ва туман борлиги инобатга олинса, уларнинг ҳар бирида бутун йил мобайнида бештадан қисқа муддатли турнир ўтказилади холос. Боз устига, болалар-ўсмирлар футболида жамоалар футболчиларнинг ёш тоифаларига кўра тузилиши боис амалда битта ёш тоифасидаги жамоа йил давомида бор-йўғи биттагина мусобақада қатнашган бўлиб чиқади.

→ 3

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# 2019 — 2023 ЙИЛЛАРДА МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИДА ТАЛАБ ЮҚОРИ БЎЛГАН МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ИЛМИЙ САЛОҲИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**саккизинчидан** — айрим факультетлар, академик лицей, спорт иншоотлари ва талабаларнинг дала амалиётлари ўтадиган жойларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун амалий чора-тадбирлар кўрилмаяпти. Илмий-тадқиқот лабораторияларида замонавий асбоб-ускуналар етишмайди. Талабалар яшаш жойларида ўринлар тақчиллиги мавжуд, шунингдек, университет ходимлари ва чет элдан таклиф қилинадиган мутахассислар учун турар жой етарли эмас;

**тўққизинчидан** — университетни ривожлантиришда олий таълим муассасалари менежментининг замонавий усуллар ва илғор амалиётга асосланган аниқ ифодаланган стратегияси мавжуд эмас. Молиялаштириш тизимини қайта кўриб чиқиш ва оптималлаштириш, шунингдек, маблағлардан, энг аввало, бюджет маблағларидан оқилона ва самарали фойдаланишнинг шаффоф механизмларини жорий этиш талаб қилинади;

**ўнинчидан — деканатлар ва кафедралар раҳбарлари, шунингдек, профессор-ўқитувчилар таркиби меҳнати самарадорлигини баҳолашнинг ва кейинчалик уларни моддий рағбатлантиришнинг рейтинг тизими жорий этилмаган.**

Кўрсатиб ўтилган камчиликлар ва муаммолар Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети (А. Р. Мараҳимов) ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И. У. Маджидов) раҳбариятида талабчанлик, мақсадга йўналтирилганлик ва юқори малакали, янгича фикрлайдиган кадрлар тайёрлашнинг халқаро стандартларига жавоб берадиган замонавий шакллари ва усулларини излаш, яратиш ва фаол жорий этиш, олий таълим илм-фанининг улкан салоҳиятидан самарали фойдаланиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг жадал ривожланишига фаол улуш қўшишга тайёр ва қодир бўлган муносиб талаба-ёшларни ҳар томонлама тайёрлаш бўйича шахсий ташаббус мавжуд эмаслигининг тўғридан-тўғри оқибати ҳисобланади.

Фундаментал ва гуманитар фанлар соҳасида халқаро стандартларга мувофиқ, талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш, олий таълим илм-фанини жадал ривожлантириш, истиқболли ва юқори технологик йўналишлар бўйича илмий салоҳиятдан самарали фойдаланиш, кадрларнинг касбий даражаси ва педагогик маҳоратини узлуксиз ошириб бориш, талаба-ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашни кучайтириш, шунингдек, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетини комплекс ривожлантиришни таъминлаш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида:

1. Ректор А. Р. Мараҳимов ва унинг ўринбосарлари Д. Х. Жумабаев, А. С. Тўраев, В. А. Ибодуллаев, Н. Н. Қодиров университетнинг таркибий бўлинмалари томонидан самарали менежментни таъминлаш бўйича жиддий камчиликларга йўл қўйилганлиги, жорий, ўрта муддатли ва истиқболли вазифалар тизимли таҳлил қилинмаганлиги, эътироф этилган халқаро талаблар ва стандартлар даражасида замонавий таълим, шу жумладан, инновацион дастурлар ва самарали илмий-тадқиқот ишлари жорий этилишини таъминлаш юзасидан бошқарув бўғинининг раҳбар кадрлари ва профессор-ўқитувчилар таркибига нисбатан талабчанликнинг сустлиги, шунингдек, университетнинг мамлакатимиз университетлари ва етакчи хорижий олий таълим муассасалари орасида рейтинги ошиши учун шахсан жавобгар эканлиги тўғрисида қатъий огоҳлантирилсинлар.

2. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири И. У. Маджидов, унинг ўринбосарлари — К. А. Шарипов, У. Ш. Бегимкулов, С. М. Бузрукхонов, вазирлик ҳайъати ва марказий аппарат таркибий бўлинмалари раҳбарларининг эътибори Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ–2909-сон қарорида белгилаб берилган асосий йўналишларни, устувор вазифаларни амалга ошириш ва мақсадли кўрсаткичларга эришиш ҳамда мамлакатда олий таълимнинг математика, табиий-илмий ва гуманитар йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлаш бўйича базавий университет сифатида Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетини комплекс ривожлантириш бўйича бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси юзасидан улар томонидан назорат, таъсирчан мувофиқлаштириш мавжуд эмаслигига ҳамда кўрилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлиги пастлигига қаратилсин.

3. Бош вазирнинг ўринбосари А. А. Абдуҳакимов Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар, фан, таълим, соғлиқни сақлаш ва спорт масалалари бўйича маслаҳатчиси А. А. Абдувахитов билан биргаликда:

2019 йил 1 июлга қадар — **2015 — 2019 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматнинг ҳужжатлари билан тасдиқланган 2017 — 2021 йиллар даврида республикада олий таълимни ривожлантириш тизими бўйича устувор вазифалар, талаблар ва чора-тадбирлар амалга оширилиши самарадорлигини пухта ва ҳар томонлама таҳлил қилсин**;

2019 йил 1 августга қадар — танқидий таҳлил қилиш асосида: биринчи — олий таълим муассасаларини ривожлантириш, уларнинг моддий-техника базасини ва молиялаштириш ҳолатини мустаҳкамлашнинг муҳим йўналишлари бўйича кўрилган чора-тадбирларнинг натижадорлиги; иккинчи — тасдиқланган комплекс дастурларга (чора-тадбирларга) оптимал тузатишлар киритиш; учинчи — **тегишли вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг уларга юкланган мақсадли вазифаларни амалга оширишда масъулиятсизликка йўл қўйган раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги чоралари бўйича аниқ таклифлар киритсин**.

4. Юқорида кўрсатиб ўтилган мансабдор шахслар ҳамда вазирликлар, идоралар ва ҳокимликлар раҳбарларининг алоҳида эътибори **Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида 2019 йил 24 майда олий таълим муассасалари ректорлари ва республика илмий жамоатчилиги билан учрашувда белгиланган талаблар ва устувор вазифалар** ўз вақтида, сўзсиз ва тўлиқ ҳажмда бажарилиши зарурлигига қаратилсин.

Ушбу мақсадларда берилган топшириқлар бажарилишини ва олдинга қўйилган мақсадларга эришилишини таъминлайдиган амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилсин, тасдиқлансин ва амалга оширилсин.

5. **Кўп қиррали ва устувор вазифаларни — "... инсон капиталини ҳар томонлама ривожлантириш, кейинчалик Ўзбекистон Республикасининг интеллектуал, илмий ва иқтисодий қудратини, шунингдек, равнақи ва мустақиллигини таъминлашга қодир бўлган халқаро стандартлар даражасида мутахассисларни тайёрлаш учун зарур ва қулай шарт-шароитлар яратиш..." бўйича комплекс аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, унинг факультетлари, ихтисослаштирилган кафедралари ва бошқа кафедралари, илмий-тадқиқот институтлари, академик лицей раҳбариятининг, бутун профессор-ўқитувчилар таркиби ва талаба-ёшларининг асосий мақсади этиб белгилансин.**

6. **2019 — 2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетини комплекс ривожлантириш дастури** ишлаб чиқилишини таъминлаш мақсадида университет ректорати, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа раҳбарларининг — кадрлар буюртмачиларининг, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг **талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва университетнинг илмий салоҳиятини ривожлантириш, шунингдек, унинг Ўзбекистон Республикаси олий таълими байроқдори сифатидаги мақомини тиклашнинг мустаҳкам асоси, амалий механизми ва кафолати бўлишга қаратилган 9 та мақсадли дастурни биргаликда ишлаб чиқиш тўғрисидаги** таклифларига розилик берилсин. **Қуйидаги мақсадли дастурларни** ишлаб чиқишнинг асосий йўналишлари 1 — 9-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин:

**1-компонент** — "Ҳудудлар, иқтисодиёт тармоқлари, илм-фан ва ижтимоий соҳани ривожлантириш эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда таълим йўналишлари ва мутахассисликларини оптималлаштириш, кадрлар тайёрлашнинг мақсадли параметрларини шакллантириш, талабаларнинг ишлаб чиқариш корхоналарида амалиётини ташкил қилиш";

**2-компонент** — "Энг янги педагогик технологиялар ва ўқитиш усулларини жорий қилишнинг халқаро амалиётига мувофиқ таълим жараёнини режалаштириш, чуқурлаштириш ва сифатини яхшилашни ташкил этишни такомиллаштириш";

**3-компонент** — "Ректорат, факультетлар, кафедралар, илмий-тадқиқот муассасалари ва академик лицей раҳбар кадрлари ва профессор-ўқитувчиларини танлаш ва тайинлаш, уларнинг касб даражаси ва педагогик маҳоратини ошириш тизимини такомиллаштириш";

**4-компонент** — "Илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, университетда олиб бориладиган тадқиқотларни ишлаб чиқариш, академик илм-фан эҳтиёжлари билан интеграциялаш, ўқитувчилар илмий ишининг натижадорлигини таъминлаш, ёшларни илмий фаолиятга жалб қилиш";

**5-компонент** — "Таълим, илмий ва маъмурий фаолиятнинг ягона ахборот маконини яратиш, ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмасини жиҳозлаш, контент билан тўлдириш";

**6-компонент** — "Етакчи хорижий университетлар билан халқаро ҳамкорликни, шериклик муносабатларини ривожлантириш, таълим фаолиятига хорижий мутахассислар ва ўқитувчиларни жалб қилиш";

**7-компонент** — "Тарбиявий ишлар тизимини такомиллаштириш, талабаларга юксак ахлоқий ва маънавий-маърифий фазилатларни сингдириш, ёт ғоя ва мафкураларга нисбатан иммунитетни мустаҳкамлаш, талабаларнинг соғлом турмуш тарзи ва дам олишини ташкил қилиш учун шарт-шароитлар яратиш;

**8-компонент** — "Моддий-техник базани модернизация қилиш ва мустаҳкамлаш, лабораторияларни замонавий ўқув-илмий ускуналар билан жиҳозлаш, ижтимоий-спорт инфратузилмасини ривожлантириш;

**9-компонент** — "Университет фаолиятини самарали молиялаштириш, харажатларни оптималлаштириш ва босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштиришга ўтиш.

7. Университет, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, бошқа вазирликлар ва идораларнинг тегишли норматив ҳужжатлар ва амалий чора-тадбирларни ўз вақтида тайёрлаш, уларни пухта иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ишлари мувофиқлаштирилишини таъминлаш, шунингдек, белгиланган муддатларда мақсадли дастурларни шакллантириш учун 10-иловага мувофиқ таркибда Мувофиқлаштирувчи гуруҳ ташкил этилсин. Мувофиқлаштирувчи гуруҳ раҳбари — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. А. Абдуҳакимов бир ҳафта муддатда ушбу қарорга 1 — 9-иловалар бўйича ишчи гуруҳлар таркибларини ва мақсадли дастурларни амалга оширишнинг босқичма-босқич жадвалини тасдиқласин.

8. МДҲ мамлакатлари ва хорижий давлатларнинг етакчи олий таълим муассасаларида, шу жумладан, М. Ломоносов номидаги Москва давлат университетида синовдан ўтган тажрибани ўрганишни ҳисобга олган ҳолда 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб **факультетлар ва кафедралар, илмий-тадқиқот институтларининг лабораториялари бўйича, академик лицейда ва умуман, университетда раҳбарлар ҳамда профессор-ўқитувчилар таркиби фаолиятининг самарадорлигини тасдиқланган мақсадли дастурлар бўйича рейтинг баҳолаш тизими** жорий этилсин.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректори Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда:

— 2019 йил 1 августга қадар — **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5 ташаббусини** барча курсларда ва университетнинг таркибий бўлинмаларида **амалга ошириш тартибини ва чора-тадбирлар комплексини** ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

**Талабалар, айниқса, талабалар тураржойларида яшайдиган ва яшамайдиган талабалар билан мунтазам асосда фаол мулоқот олиб бориш амалиётини жорий этиш, уларнинг талаб ва эҳтиёжларини тизимли равишда ўрганиш, талаба-ёшларнинг ўқув, илмий ва маънавий ҳаётидаги муаммоли масалаларни бартараф этиш бўйича аниқ чоралар кўриш университет ректори ва проректорларининг, деканатлар ҳамда кафедралар раҳбарларининг, барча профессор-ўқитувчилар таркибининг устувор вазифаси этиб белгилансин;**

— 2019 йил 1 сентябрга қадар — **рейтинг баҳолаш тизимини жорий қилишда асос бўладиган индикаторларни (кўрсаткичларни);**

— 2019 йил 1 октябрга қадар — **юқорида қайд этилган индикаторлар (кўрсаткичлар) асосида таркибий бўлинмалар ва умуман университет фаолиятининг самарадорлиги ҳамда натижадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини** ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

9. **Таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва профессор-ўқитувчилари таркибининг билими ва малакаси, касбий тайёргарлик даражасини ошириш тизимини тубдан яхшилаш, уларнинг айримлари орасидаги салбий иллатлар намоён бўлишининг олдини олиш ва уларга барҳам бериш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш** Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректорати ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг муҳим вазифаси этиб белгилансин. **Шу мақсадларда:**

2019 йил 1 сентябрга қадар — университетнинг таркибий бўлинмаларида кадрларнинг самарали захирасини шакллантириш;

2019 йил 1 октябрга қадар — бошқарув бўғини ходимларини, шунингдек, университет барча бўлинмаларининг профессор-ўқитувчиларини белгиланган тартибда аттестациядан ўтказиш;

2019 йил 1 ноябрга қадар — университет раҳбарлари ва профессор-ўқитувчиларининг "Эл-юрт умиди" жамғармаси йўналиши бўйича ва молиялаштиришнинг бошқа манбалари ҳисобига рейтинг даражаси юқори бўлган хорижий олий таълим муассасалари ва илмий-техник марказларда, шунингдек, мамлакатимиз корхоналарида, республика Фанлар академияси тизимидаги ташкилотлар ва бўлинмаларда 6 ой муддатга стажировкасини ташкил этиш бўйича **аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилсин.**

10. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг янгиланган ташкилий тузилмаси ва ректоратининг тузилмаси 11-иловага мувофиқ тасдиқлансин. 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб ректорат тузилмасига республика олий таълим муассасалари учун таълим дастурларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш методологиясини мувофиқлаштиришнинг ўқув-методик ва илмий патронаж бўйича базавий олий таълим муассасаси сифатида университетнинг ўқув-методик таъминлаш ва таълим сифатини назорат қилиш бўйича проректори лавозими киритилсин.

Университет ректорати, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, кадрлар буюртмачилари бўлган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг:

2019/2020 ўқув йилидан бошлаб — муҳандислик математикаси, компьютер фанлари ва технологик менежмент йўналишлари бўйича Ўзбекистон — Исроил факультетини;

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб ва кейинги йилларда — "Амалий математика ва интеллектуал технологиялар", "Биофизика ва муҳандислик тадқиқотлари", "Фундаментал тиббиёт ва биокимё" факультетларини ташкил қилиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Университет ректори А. Р. Мараҳимов 10 кун муддатда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда 11-иловадан келиб чиқиб университет ректорати, деканатлари, кафедралари ва бошқа таркибий бўлинмаларининг штат жадвалини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузурида Интеллектуал-дастурий тизимлар илмий-амалий марказини ташкил этиш ҳақидаги таклифига розилик берилсин.

11. С. Сирожиддинов номидаги академик лицей "табиий ва аниқ фанлар"га ихтисослаштирилган С. Сирожиддинов номидаги республика академик лицейи этиб қайта ташкил этилсин.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда С. Сирожиддинов номидаги республика академик лицейининг кейинги самарали фаолияти тўғрисида асослантирилган таклифларни, шу жумладан:

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб ўқувчиларни қабул қилиш ва кейинчалик уларни Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг тегишли факультетларига тўғридан-тўғри қабул қилиш тартиби;

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб С. Сирожиддинов номидаги республика академик лицейини С. Сирожиддинов номидаги республика гимназиясига айлантириш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. 2019/2020 ўқув йилида Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетига талабаларни давлат буюртмаси асосида қабул қилишнинг асосий кўрсаткичлари 12, 13-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

13. Университет фаолиятини молиялаштиришнинг қуйидаги манбалари белгилансин:

а) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги орқали ажратиладиган ҳамда устав фаолиятига мувофиқ Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг жорий харажатларини молиялаштиришга йўналтириладиган **республика бюджет маблағлари;**

б) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигидаги алоҳида шахсий ҳисобвараққа тушадиган ва устав фаолиятига мувофиқ Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг жорий харажатларини молиялаштиришга ва капитал харажатларни амалга оширишга йўналтириладиган **контрактлар бўйича тўлов маблағлари;**

в) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигидаги ҳисобвараққа тушадиган ва грант сметасига мувофиқ харажатларни молиялаштиришга йўналтириладиган **грант маблағлари**;

г) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигидаги ҳисобвараққа тушадиган ва шартномавий ишлар бажарилишини молиялаштиришга йўналтириладиган **хўжалик шартномаси (ёки бошқа йўналиш) бўйича маблағлар**;

д) соҳага кирмайдиган фаолиятдан олинадиган ва университетнинг жорий харажатларига йўналтириладиган **бошқа тушумлар**.

14. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида Университетни ривожлантириш жамғармаси ташкил этилганлиги ва хўжалик шартномалари, пуллик курслар, ҳомийлик ажратмалари, биноларни ижарага бериш, босмахона фаолияти ва бошқа фаолиятдан тушадиган маблағлар унинг манбаи ҳисобланиши маълумот учун қабул қилинсин.

Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра Ривожлантириш жамғармасининг маблағлари фақат қуйидаги мақсадларга йўналтирилади:

моддий-техник базани мустаҳкамлаш;

кредитор қарздорликни қоплаш;

ходимлар ва профессор-ўқитувчиларни моддий рағбатлантириш.

15. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 августга қадар Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Ҳомийлик кенгашини тажриба тариқасида ташкил қилишни, унинг шахсий таркибини тасдиқлашни, ваколатларини, қарорлар қабул қилиш ва ижро этиш механизмларини белгилашни назарда тутувчи таклифларни ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А. Ж. Раматов, Ж. А. Қўчқоров, А. А. Абдуҳакимов, Т. К. Нарбаева, вазирликлар ва идоралар раҳбарлари, Тошкент шаҳар ҳокими Ж. А. Ортиқхўжаев 2019 йил 24 майда олий таълим муассасалари ректорлари ва илмий жамоатчилик билан ўтказилган учрашувда белгиланган топшириқлар ўз вақтида ва пухта ишлаб чиқилишини таъминласинлар. Жумладан:

2019 йил 1 июлга қадар — Тошкент шаҳри Олмазор туманидаги талабалар шаҳарчаси ҳудудида, хусусан, университет профессор-ўқитувчилари ва ёш тадқиқотчилари учун 6 та замонавий кўп қаватли уйлар, универсал спорт мажмуаси, "Ёшлар боғи", "Wi-Fi" зона ва бошқа объектларни қуриш;

2020 йил 1 январга қадар — университетнинг биология факультети учун Виварий ва оранжерея биноларини қуриш;

2020 йил 1 январга қадар — университетнинг Чорвоқ ўқув-амалий марказининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уни замонавий гидрометеорологик асбоблар билан жиҳозлаш бўйича таклифлар киритсин.

Аниқ ва табиий фанлар факультетларининг ўқув-илмий лабораторияларини жиҳозлаш мақсадида университетга 6,0 миллион АҚШ доллари ажратилгани маълумот учун қабул қилинсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги таълим ва илм-фан соҳасидаги барча давлат ташкилотларида илмий-педагогик ва меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган ходимларнинг ойлик иш ҳақига 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига — фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) даражасига (ёки хорижий мамлакатларнинг уларга тенглаштирилган даражасига) эга бўлган ходимларга 30,0 фоизгача, фан доктори (Doctor of Science) даражасига (ёки хорижий мамлакатларнинг уларга тенглаштирилган даражасига) эга бўлган ходимларга 60,0 фоизгача қўшимча ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва киритсин.

Белгилансинки, қўшимча ҳақ ҳар бир ходимнинг илмий-педагогик ва меҳнат фаолиятига қўшган аниқ ҳиссасини ҳисобга олган ҳолда таркибий бўлинма раҳбарининг тақдимномаси асосида ва муассаса (ташкилот) коллегиал органининг қарорига кўра тўланади.

18. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Фанлар академияси, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимида тайёргарлик босқичи сифатида 2020 йил 1 январдан бошлаб стажёр-тадқиқотчилар институтини жорий этиш ҳақида Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини икки ой муддатда ишлаб чиқсин ва киритсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж. А. Қўчқоров ушбу қарорнинг 13, 14-бандларида қайд этилган манбаларни ва халқаро грантларни ҳисобга олган ҳолда ушбу қарорда назарда тутилган топшириқлар ва чора-тадбирларни молиялаштириш учун маблағлар ажратиш юзасидан, кейинчалик асосланган таклифлар киритиш учун уларнинг молиявий жиҳатдан пухта ишлаб чиқилишини таъминласин.

20. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

21. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А. А. Абдувахитов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. А. Абдуҳакимов, олий ва ўрта махсус таълим вазири И. У. Маджидов ва Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректори А. Р. Мараҳимов зиммасига юклансин.

Қабул қилинган чора-тадбирлар натижадорлиги тўғрисида 2019 йил 1 августда ва 1 октябрда, 2020 йил 10 январда ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 18 июнь

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «2019 — 2023 ЙИЛЛАРДА МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИДА ТАЛАБ ЮҚОРИ БЎЛГАН МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ИЛМИЙ САЛОҲИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети мамлакатимизда кўп йиллик педагогик ва илм-фан соҳасидаги бой анъаналарга эга бўлган йирик олий таълим муассасасидир. Университет ҳар йили иқтисодиётнинг турли тармоқларини, таълим ва фан соҳаларини ўз битирувчилари билан таъминламоқда, шунингдек, илмий тадқиқотлар ва изланишлар билан, шу жумладан халқаро миқёсда ҳам фаол шуғулланиб келмоқда. Ҳозирги пайтда **114** та, шу жумладан, **18** та халқаро илмий ва илмий-ўқув лойиҳалари амалга оширилмоқда. Университетнинг моддий-техника базасини модернизация қилиш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Профессор-ўқитувчилар таркибининг иш ҳақи оширилди.

Шу билан бирга, қарорда қайд этилганидек, танқидий ва ҳар томонлама таҳлилларда юқори малакали кадрлар тайёрлаш, илм-фанни ва серқирра иқтидор соҳиби бўлган инсон капиталини ривожлантиришга жиддий тўсиқ бўлаётган бир қанча муаммолар ва нуқсонлар аниқланди. Кейинги йилларда университетнинг Миллий университет мақомини қарор топтириш учун амалий ва самарали чора-тадбирлар таъминланмаган.

Жумладан, таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг таркиби ҳамда қабул кўрсаткичлари кадрларга бўлган реал талабдан сезиларли даражада орқада қолмоқда, таълим жараёнига замонавий педагогик технологияларни татбиқ этиш даражаси, айрим педагог-кадрларнинг касбий маҳорати, малака ошириш курсларининг самарадорлиги пастлигича қолмоқда.

Қарорда университетнинг нуфузли халқаро агентликлар рейтингига киритилмаганлигига, ёшларнинг илмга бўлган қизиқишини рағбатлантириш даражаси пастлигига алоҳида эътибор қаратилган. Таълим жараёни ва илмий тадқиқот фаолиятининг моддий-техника таъминотида жиддий камчиликлар мавжуд.

Юзага келган ҳолатдан ҳамда университетнинг мамлакат олий таълими соҳасида тутган ўрни ва аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда қарорда бугунги кунда **талаб юқори бўлган йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш, юқори технологияларга асосланган ва истиқболли йўналишлардаги илмий тадқиқотларни жадал амалга ошириш**, шунингдек, профессор-ўқитувчиларнинг касбий билимлари ва педагогик маҳоратини муттасил ошириш бўйича тизимли чора-тадбирлар назарда тутилган.

Қайд этиш лозимки, қарорнинг асосий қоидалари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев томонидан 2019 йил 24 майда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида олий таълим муассасалари ректорлари ва республика илмий жамоатчилиги билан бўлиб ўтган учрашувда белгилаб берилган эди. Учрашув якунлари асосида қарорда **"... инсон капиталини ҳар томонлама ривожлантириш, кейинчалик Ўзбекистон Республикасининг интеллектуал, илмий ва иқтисодий қудратини, шунингдек, равнақи ва мустақиллигини таъминлашга қодир бўлган халқаро стандартлар даражасида мутахассисларни тайёрлаш учун зарур ва қулай шарт-шароитлар яратиш..."** бўйича кўп қиррали ва устувор вазифаларни амалга ошириш университет раҳбарияти ва бутун жамоасининг асосий мақсади этиб белгиланган.

Юқори малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш, шунингдек, университетнинг Ўзбекистон Республикасида олий таълим байроқдори сифатидаги нуфузини тиклашнинг мустаҳкам пойдевори, таъсирчан механизми ва кафолати сифатида **9 та компонентдан иборат мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш** назарда тутилмоқда.

Қарорда университетнинг янги таълим моделини шакллантиришнинг устувор йўналиши сифатидаги вазифани ҳал этиш учун ўқув, ўқув-методик, илмий-инновацион, тарбиявий ва ташкилий фаолият бўйича самарали индикаторлар ва кўрсаткичларни ишлаб чиққан ҳолда **раҳбарлар ва профессор-ўқитувчилар таркиби фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг рейтинг тизимини жорий этиш назарда тутилмоқда**.

Тараққиётнинг ҳозирги босқичида университет замонавий жамиятнинг илмий, ишлаб чиқариш, ижтимоий, маънавий-ахлоқий талабларига жавоб берадиган, олий таълим инновацион моделини шакллантиришнинг самарали майдони бўлиши, шунингдек, республика олий таълим тизимида етакчи ўрнини сақлаб қолиши лозим. Ушбу мақсадларда қарорда:

биринчидан — 2019 — 2021 йилларда таълим йўналишларида табиий фанлар, математик таълим, компьютер технологиялари ва информатика йўналишлари улушини ошириш;

иккинчидан — Ўзбекистон — Исроил факультетини, шунингдек, "Амалий математика ва интеллектуал технологиялар", "Биофизика ва муҳандислик тадқиқотлари", "Фундаментал тиббиёт ва биохимия" факультетларини босқичма-босқич очиш назарда тутилмоқда;

учинчидан — С. Сирожиддинов номидаги академик лицейга табиий ва аниқ фанларга ихтисослаштирилган Республика академик лицейи мақоми берилади ҳамда уни **университетда ўқитиш учун иқтидорли** ва **истеъдодли болаларни танлаб олиш ва тайёрлаш**, бўлғуси илмий-педагоглар элитасини шакллантириш маркази сифатида ташкил этиш вазифаси қўйилмоқда;

тўртинчидан — Университет тузилмасида Интеллектуал-дастурий тизимлар илмий-амалий марказини ташкил этиш назарда тутилмоқда.

Жаҳоннинг етакчи университетлари тажрибаси ва анъаналаридан келиб чиқиб, таълим сифатини ошириш ҳамда халқаро таълим маконига интеграциялашиш мақсадида 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб иккита факультетда, 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб эса университет миқёсида таълимни ташкил **этишнинг кредит-модул тизимини жорий қилиш** назарда тутилмоқда.

Халқаро миқёсда етакчилик ва рақобатбардошликни таъминлашнинг зарур шарти сифатида қарорда фундаментал ва амалий тадқиқотларни ривожлантириш вазифаси қўйилмоқда. Ушбу мақсадларда ҳар йили **илмий салоҳиятни ошириш учун** университет докторантурасига ҳар йиллик қабул квотасини ва хориждаги мақсадли докторантурага қабул квотасини кўпайтириш назарда тутилмоқда. Бунда таълим жараёнига **юқори малакали хорижлик** ўқитувчилар ва мутахассисларни кенг жалб қилиш режалаштирилмоқда.

Қарорда унинг инфратузилмасини ва **ички телекоммуникация тизимини** тубдан янгилашга доир чора-тадбирлар комплекси назарда тутилмоқда. Университет 2020 йилнинг ўзида қуввати **600** Мб/сек бўлган кўп тармоқли интернет тизимига уланиши таъминланади. Университет ҳудуди ва қўшимча майдонлари "Wi-Fi" зонаси билан таъминланади.

2020 — 2023 йиллар мобайнида талабалар тураржойларида капитал таъмирлаш (реконструкция) ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилади, университетнинг профессор-ўқитувчилар таркиби ва ёш тадқиқотчилар учун **6 та кўп квартирали уйлар ҳамда универсал спорт мажмуаси қурилади.** Аниқ ва табиий фанлар факультетларининг ўқув-илмий лабораторияларини жиҳозлаш мақсадида университетнинг валюта ҳисоб рақамига **6,0** миллион АҚШ доллари ўтказилади.

2019 йил 1 сентябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига фан ва таълим соҳасидаги барча давлат ташкилотларида илмий-педагогик ва меҳнат фаолиятини олиб бораётган фан номзоди ёки фалсафа фанлари доктори (PhD) даражасига эга бўлган ходимларнинг ойлик маошига **30 фоизгача**, фан доктори (Doctor of Science) даражасига эга бўлган ходимларнинг ойлик маошига **60 фоизгача** устама ҳақ белгиланади. Бунда қўшимча ҳақ бир ходимнинг илмий-педагогик ва меҳнат фаолиятига қўшган аниқ ҳиссасини ҳисобга олган ҳолда, таркибий бўлинма раҳбарининг тақдимномаси асосида ва муассаса (ташкилот) коллегиал органининг қарорига кўра тўланади.

Қарорда **талабаларда юксак ахлоқий ва маънавий сифатларни қарор топтиришга,** маънавий-маърифий ишларни ташкил этишда янги педагогик инновациялар ва самарали механизмларни татбиқ этишга, талабалар билан олиб бориладиган тарбиявий ишларда профессор-ўқитувчиларнинг масъулиятини оширишга, таълим ва тарбиянинг ўзаро алоқадорлигини амалда таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

**Ушбу мақсадларда талабалар, айниқса, талабалар тураржойларида яшайдиган ва яшамайдиган талабалар билан мунтазам асосда фаол мулоқот олиб бориш амалиётини жорий этиш, уларнинг эҳтиёж ва талабларини тизимли равишда ўрганиш, талаба-ёшларнинг ўқув, илмий ва маънавий ҳаётидаги муаммоли масалаларни бартараф этиш бўйича аниқ чоралар кўриш** университет ректори ва проректорларининг, деканатлар ҳамда кафедралар раҳбарларининг, барча профессор-ўқитувчилар таркибининг устувор вазифаси этиб белгиланган.

Қарорнинг амалга оширилиши Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети глобаллашув шароитларида мамлакатимизнинг халқаро миқёсда рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган янги технологияларни ишлаб чиқиш базаси бўлиши имконини беради. Жаҳон фани тараққиётининг суръати талабларига жавоб бера оладиган тадқиқотларни амалга оширишга йўналтирилган илмий кадрлар тайёрлаш тизимига жорий этилаётган инновациялар университетнинг олий таълим тизимида етакчи мавқени эгаллашига имкон беради ҳамда мамлакатнинг илмий, илмий-техникавий ва интеллектуал соҳалари ривожланишига кўмаклашади.

# АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛУВЧИ ТАШАББУСЛАР

◄1

**Қаҳрамон ЭРГАШЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси:**



— Давлатимиз раҳбари ўз нутқида замонавий халқаро муносабатлар тизими тобора ортиб бораётган беқарорлик ва кутилмаган ҳодисалар билан изоҳланаётганини таъкидлади. Улкан иқтисодий ва интеллектуал салоҳиятга эга Осиё қитъаси мамлакатлари жиддий хатарларга дуч келмоқда. Бу, аввало, экология, демография, миграция, ҳаёт ва таълим даражаси пастлиги муаммоларидир. Улар ижтимоий низоларнинг асосий манбаи, экстремизм ва терроризм мафкураси тарқалиши учун шароит яратадиган муҳитдир. Айниқса, ёшлар ўртасидаги радикаллашув жараёни ташвиш уйғотиши қайд этилди.

Биз, депутатлар давлатимиз раҳбари илгари сурган ташаббус ва ғояларни тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз. Уларнинг ҳаётга татбиқ қилинишида фаол иштирок этамиз.

**Нодир МУХТОРОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" ДП фракцияси аъзоси:**

— Давлатимиз раҳбари Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган саммитда ШҲТ доирасидаги амалий ҳамкорликни кенгайтиришга оид олтита таклифни илгари сурди. Шулардан бири ШҲТ шаҳар ва минтақаларининг тарихий-маданий меросини оммалаштириш ҳамда туристик салоҳиятини янада тўлиқ намоён этиш, шунингдек, ҳар йили ташкилотга раислик қилувчи мамлакатдаги шаҳарлардан бирини ШҲТ сайёҳлик ва маданий пойтахти, деб эълон қилишга доир ташаббусдир.



Бу ШҲТ давлатлари халқларининг тарихи, урф-одат, анъаналари билан яқиндан танишиш баробарида, халқлар ўртасида миллий қадриятларга ҳурматни юксалтиради. Иккинчидан, тарихий боғлиқлик ва биргаликда барқарор ривожланишни янада такомиллаштиради. Учинчидан, ушбу йўналишда янги минтақавий лойиҳаларни амалга ошириш имкони берилади. Тўртинчидан, ШҲТ давлатлари шаҳарларининг босқичма-босқич обод ва кўркам бўлиши баробарида, шаҳарлар ўртасидаги яқин алоқаларга имконият яратади. Пировардида, ШҲТ давлатлари ҳамда халқлари ўртасида ўзаро самарали ва доимий мулоқотни йўлга қўйишга, яъни халқ дипломатиясининг ривожланишига хизмат қилади.

**Баҳром ОБИДЖОНОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:**



— Айтиш керакки, саммит якунлари бўйича ШҲТга аъзо мамлакатлар ўртасида турли соҳалардаги шерикликни ривожлантиришга доир 22 та ҳужжат имзоланди. Энг эътиборлиси, Ўзбекистон Президентининг таклифи асосида "Ҳудудлараро ҳамкорликни ривожлантириш дастури" қабул қилинди.

Буларнинг барчаси турли соҳалардаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик кўламини янада кенгайтиради, шунингдек, иқтисодий, савдо-инвестициявий алоқалар янги босқичга кўтарилади. Ижтимоий-гуманитар, маданий-маърифий, хавфсизлик ва туризм соҳаларидаги алоқалар ҳам янада мустаҳкамланади.

Шундан келиб чиқиб айтиш жоизки, галдаги вазифа — илгари сурилган ғоя ва ташаббусларни рўёбга чиқаришда жонбозлик кўрсатиш, уларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга ҳисса қўшишдир. Бу борада биз, депутатлардан фаоллик талаб қилинади.

**Наримон УМАРОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари, "Адолат" СДП фракцияси раҳбари:**



— Президентимиз ШҲТнинг Бишкек саммити Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисидаги нутқида ташкилот доирасидаги амалий ҳамкорликни кенгайтиришга қатор муҳим таклифларни илгари сурди. Хусусан, "ШҲТ доирасида парламентлараро мулоқотни тиклашга доир ташаббусларни қўллаб-қувватлаймиз. Ушбу янги механизм Ташкилот имкониятларини кенгайтириб, фаолиятимизга парламентарийлар, сиёсий партиялар ва фуқаролик жамияти институтларини жалб қилиш имконини беради", деган фикрлари сиёсий партиялар ҳаётида янги босқични бошлаб беради.

Бугунги кунда сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ўртасидаги халқаро ҳамкорликни ривожлантиришни давр тақозо этмоқда. Давлатимиз раҳбари юқоридаги таклифни билдирар экан, масаланинг ана шу жиҳатига алоҳида эътибор қаратди. Шу маънода, партия сайловолди дастурини ишлаб чиқиш ҳамда уни амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш бўйича хорижий давлатлар тажрибасидан фойдаланиш ҳамкорлигимизнинг устувор жиҳатига айланади. Бу эса мамлакатимиз тараққиётига хизмат қилувчи янги-янги ғоялар пайдо бўлишига туртки бериши, табиий.

**Борий АЛИХОНОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари, Экоҳаракат депутатлар гуруҳи раҳбари:**



— Давлатимиз раҳбарининг ҳар икки саммитдаги нутқида амалий ҳамкорликни ривожлантириш бўйича бир қатор муҳим, аниқ ва устувор йўналишларга оид ғоялар илгари сурилди. Жумладан, минтақада иқлим ўзгаришига қарши курашиш, яшил технологияларни жорий этиш масалалари ҳам ана шулардандир.

Бугунги кундаги долзарб масалалардан яна бири озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ. Яқин келажакда, яъни 2050 йилга бориб сайёрамиз аҳолиси сони 9,8 млрд.га етишини инобатга олсак, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш инсоният олдида турган ва ечимини кутаётган кескин муаммога айланиши ҳақиқатга яқин. Шу нуқтаи назардан қараганда, давлатимиз раҳбарининг "Ақлли" қишлоқ хўжалиги ва агроинновацияларни жорий этиш соҳасида ўзаро ҳамкорлик концепциясини ишлаб чиқиш бўйича таклифи ниҳоятда муҳимлиги билан эътиборга молик.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ташаббуслардан яна бири, аъзо мамлакатларда ресурс тежовчи ва экологик тоза технологияларни жорий қилиш мақсадида ШҲТнинг "Яшил белбоғ" дастурини қабул қилиш таклифидир. Зотан, "Яшил белбоғ" ШҲТ доирасида "Яшил иқтисодиёт"ни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ**
**(«Халқ сўзи») ёзиб олди.**

# ЎЗБЕКИСТОН – АҚШ БИЗНЕС ФОРУМИ

◄1

Меҳмонлар Ўзбекистонда рўй бераётган ўзгаришларни юқори баҳолади.

Тадбирда мамлакатимизнинг инвестициявий салоҳияти, икки томонлама ҳамкорлик истиқболлари, ўзаро савдони қўллаб-қувватлаш, янги лойиҳаларни молиялаштириш каби масалалар муҳокама қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистон ва АҚШнинг савдо-иқтисодий, инвестициявий ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қаратилган истиқболли лойиҳалар юзасидан фикр алмашилди.

Форум транспорт, қишлоқ хўжалиги, ижтимоий хизмат кўрсатиш, таълим, энергетика каби қатор соҳалар бўйича ташкил қилинадиган учрашувлар ва мулоқотлар тарзида давом этади.

**Ғайрат ХОННАЗАРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Маънавият

# ҲАДИС ИЛМИ МАКТАБИ УЧУН ТАЙЁРЛОВ КУРСИ БОШЛАНДИ

*Маълумки, Мовароуннаҳр заминидан етишиб чиққан буюк муҳаддислар Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Доримий, Абдуллоҳ ибн Муборак, Ибн Ҳиббон, Ҳайсам ибн Кулайб Шоший, Абу Бакр Аҳмад ибн Муҳаммад Барокотий, Иброҳим ибн Маъқил Насафий ва Абд ибн Ҳумайд Кеший томонидан ҳадис мактабларига асос солинган бўлиб, ушбу илму маърифат ва зиё масканлари дунё илм-фани тараққиётида ўчмас из қолдирган.*

Юртимизда сўнгги йилларда муқаддас ислом динини ўрганиш, аждодларимиз меросини тадқиқ этиш ва келажак авлодга асл ҳолича етказиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, буюк аждодларга муносиб ворисларни тайёрлаш мақсадида мамлакатимизда диний таълим тизимини янада такомиллаштириш, унинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлашга алоҳида эътибор берилаётир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги "Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига асосан ислом дини ва ҳадис илми ривожига беқиёс ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг бой меросини чуқур ўрганиш, улар асос солган ҳадис мактаблари фаолиятини қайта тиклаш ва ривожлантириш мақсадида янги олий диний таълим муассасаси — Ҳадис илми мактаби ташкил этилган эди.

2019/2020 ўқув йилидан иш бошлайдиган Ҳадис илми мактабига энг муносиб номзодларни саралаш мақсадида шу кунларда тайёрлов курси фаолияти йўлга қўйилмоқда. Ушбу курсда ўрта махсус диний таълим муассасаларини битирган 52 нафар абитуриент иштирок этмоқда.

Дарс машғулотларига "Араб тили", "Ҳадис истилоҳлари", "Ҳадис шарҳлари" фанларидан Тошкент ислом институти ва Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг малакали профессор-ўқитувчилари жалб қилинган. Шунингдек, тингловчиларга Миср Араб Республикасидан таклиф этилган малакали ўқитувчилар ҳам сабоқ бермоқда.

— Ҳадис илми мактаби талабалари учун Самарқанд вилоятида барча шароит муҳайё қилинган. Ўқув хоналари замонавий технологиялар билан жиҳозланди. Таълим жараёни тўлиқ электронлаштирилмоқда. Бу ерда дарс берадиган ўқитувчилар учун илғор педагогик методикалар бўйича малака ошириш ўқувлари ташкил этилди. Қисқача айтганда, Ҳадис илми мактаби янги ўқув йилига шай ҳолатда, — дейди Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Таълим ва кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи Салоҳиддин Шерхонов.

Тайёрлов курси тингловчилари Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан ётоқхона, уч маҳал овқат ва транспорт воситалари билан бепул таъминланган.

Таъкидлаш лозимки, келгуси ўқув йилида ҳадис илмларига салоҳиятли, ўз тақдирини буюк муҳаддис алломаларимиз ҳаёт йўли билан чамбарчас боғлаган 10 нафар энг иқтидорли талабалар сараланиб, Ҳадис илми мактабида таҳсил олиш бахтига муяссар бўлади.

**О. ЛУТФУЛЛАЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ЯХШИ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ, ИЖОДИЙ МУҲИТ ВА ШАРОИТ

## Қизига ана шундай имкониятлар яратиб берган Ҳикматилла Ёқубовга Президент совғаси топширилди.

◄1

— Оиламизга берилган таъриф, яъни қизига яхши таълим-тарбия, ижодий муҳит ва шароит яратиб берган, деган эътироф, айниқса, мен учун катта мукофот бўлди. Дарҳақиқат, фарзандлар камоли асосий мақсадимиз. Шу боис ҳар икки қизимнинг ҳам таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Фурсатдан фойдаланиб, эътироф ва совға учун миннатдорлигимизни изҳор қилмоқчиман.

Дарвоқе, оилада икки қиз тарбияланмоқда. Катта қизи Шаҳноза ҳам адабиёт ихлосманди. Фазилатга шеър ёзиш опасидан ўтган бўлса, ажаб эмас. Улар энди оилавий кутубхоналарида ўз тафаккурларини янада бойитишади, жаҳон ва миллий адабиётимиз намуналари билан танишадилар.

Давлатимиз раҳбари Бўка туманига ташрифи чоғида, шунингдек, маданият саройида тарбияланаётган болалар учун "Келажак ниҳоллари" ансамбли ташкил этиш, жамоага автобус совға қилиш бўйича ҳам топшириқ берган эди. Мазкур топшириққа асосан, 19-болалар мусиқа ва санъат мактабига ҳам Президент совғаси — "ISUZU" автобуси берилди.

Президент совғасини топшириш муносабати билан маҳаллада спорт мусобақаси, расмлар кўргазмаси, кўнгилочар суҳбатлар ташкил этилди. Тадбирда Тошкент вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Рустам Холматов қатнашди.

**Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

«Обод маҳалла» дастури — ҳаётга

# МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ЧОРАЛАРИ КЎРИЛМОҚДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ёнғин хавфсизлиги хизмати, прокуратура, солиқ ва бошқа тегишли ташкилотлар ходимлари иштирокида пойтахтимизнинг 11 туманидаги маҳаллалар аҳволи ўрганилди. Натижада ҳали ечимини кутаётган муаммолар, хусусан, ободонлаштириш, ноқонуний қурилмалар ва бошқа йўналишларда камчиликлар борлиги аниқланди.*

Ўз навбатида, уларнинг ечимига ҳам эътибор қаратилди. Масалан, биргина Учтепа туманида Гузар маҳалласидаги кўп қаватли уйлар атрофи ободонлаштирилиб, дарахтларга шакл берилди. Бектемир туманидаги "Олтинтопган" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида ўзбошимчалик билан қурилган сунъий тўсиқлар олиб ташланди.

Ўрганишлар чоғида 358 та сунъий тўсиқ, ёнғин ўчириш автомобиллари ҳаракатланишига халақит бераётган 1299 та дарахт, 242 та ноқонуний қурилма олиб ташланди. Кўчаларда, уйлар атрофида тўпланиб қолган 511 тоннадан ортиқ чиқиндилар белгиланган жойларга олиб кетилди. Шунингдек, маҳалла фаоллари билан биргаликда аҳоли ва ёшлар ўртасида маънавий-маърифий тадбирлар, учрашувлар ташкил этилди.

"Ободлик кўнгилдан бошланади" деганларидек, ҳар ким ўз маҳалласининг озодалигига, тозалигига ҳисса қўшиши лозим. Зеро, маҳаллалар ободлиги, жамият, юрт ободлиги билан чамбарчас боғлиқ. Айни пайтда "Обод маҳалла" дастури доирасидаги тадбирлар давом эттирилмоқда.

**Дилшод ТИЛЛАХОДЖАЕВ,**
**Тошкент шаҳар ЁХБ бошлиғи,**
**полковник.**

# БОЛАЛАР ФУТБОЛИ РИВОЖЛАНМАСА

## орзуларимиз орзулигича қолиб кетаверади

◄1

Дарвоқе, ушбу турнирларга борган ЎФА мутасаддилари доим ҳам профессионал мураббий бўлмаган. Шу боисдан ОАВдаги хабарларда чинакам иқтидор эгалари саралаб олингани ҳақида маълумот берилмагани тушунарли.

Болалар оммавий футболида ўйинлар сонини оширишнинг қандай йўллари мавжуд?

> *Аввало, маҳаллий мусобақаларни тизимли йўлга қўйиш даркор. Бунда мактабларга таяниш мақсадга мувофиқ. Ҳар бир мактабда футбол секцияларини ташкил қилиб, жисмоний тарбия ўқитувчисини тренер сифатида бириктириш керак.*

Вазиятдан келиб чиққан ҳолда, ўқувчилари кам бўлган мактаблар икки-учтаси бирлашиб, умумий жамоани мусобақага қўйиши ҳам мумкин. Мунтазам равишда ўтказиладиган ана шу чемпионат давомида туман/шаҳар селекционер-тренерлари терма жамоа таркибига номзодларни саралаб олишади ва сўнг вилоят биринчилигида қатнашади. Ана шу минтақавий мусобақалар давомида футбол академияларига янги номзодлар кашф этиш мумкин бўлади.

Яна бир имконият маҳаллалардаги ёш футболчилар орасидан иқтидорлиларни саралашда ифодаланади. Ўтган йили ЎФА республикамиздаги ҳар бир маҳаллада футбол майдони барпо этилишини эълон қилган эди. Ажойиб ташаббус!

Орадан сезиларли вақт ўтганига қарамай, футболимиз мутасаддилари ушбу майдонларни ким ва қайси маблағ ҳисобидан қуриши, уларга хизмат кўрсатиш (қўриқлаш, майдонни тартибга келтириш, кийим алмаштириш ва ювиниш хоналарини саранжом-саришта сақлаш, электр энергияси, сув ҳамда канализацияга пул тўлаш ва ҳоказолар) ҳамда инвентарлар билан таъминлаш (футбол дарвозалари, тўрлари, тўплар, захирадагилар учун ўриндиқлар ва ҳоказолар) қандай молиялаштирилиши, ушбу майдонда шуғулланадиган ҳамда ўйнайдиган жамоалар вақтини ким ва қандай асосда мувофиқлаштириши, ўтган давр мобайнида режалаштирилган майдонлардан нечтаси фойдаланишга топширилгани ва ишлар қандай кечаётгани ҳақида маълумот беришмади.

ЎФА ташаббуси билан футбол мактаб-интернатлари фаолиятининг қайта ташкил этилиши, биз суҳбатлашган кўплаб мутахассисларнинг фикрича, муаммоларни кўпайтиргани ҳолда, истеъдодли футболчиларни тайёрлаш жараёни самарадорлигини юксак босқичга олиб чиқмади.

Бир мисол. Муборакнинг "Машъал"и кучлилар сафидан чиқариб юборилгани асосий таркибдан ташқари, клуб академиясини ҳам ўта мушкул аҳволга солиб қўйди. Ваҳолонки, ушбу маскан кўп йиллар мобайнида мамлакатимиз терма жамоаларига ўз вакилларини етказиб бераётган эди. Масалан, бугунги кунда Ўзбекистон миллий терма жамоасининг асосий ўйинчиларига айланган Элдор Шомуродов ва Отабек Шукуровни иқтидорига бўлган ишонч ва қизиқиш туфайли катта футбол остонасидаёқ, "Бунёдкор" катта маблағга сотиб олган эди.

> *Кадрлар масаласи ўз ечимини кутмоқда. Биз болаларнинг бўш вақтини футбол билан тўлдирибгина қолмасдан, ёшларимиз баркамол авлод бўлиб вояга етишини хоҳласак, малакали тренерларни тайёрлашимиз айни муддаодир.*

Бу асосий масала. Уни ҳал қилмай ўсишга эришишнинг иложи йўқ. Агар мураббийнинг савияси паст бўлса, ўсмир эртага ўртамиёна ўйинчига айланади.

ЎФА сўнгги йилларда болалар тренерлари билан ишни фаоллаштирди, семинар ва маҳорат сабоқлари уюштирди. Лекин ҳар бир маҳаллада қуриладиган 10 мингта майдонни назарда тутадиган бўлсак, бизга жуда кўп тренер керак. Назаримизда, ушбу муаммони ҳал қилиш учун Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги спорт мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази филиалларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Ўқитувчилар, собиқ футболчилар, спорт фахрийлари, шунингдек, нафақат катталар, балки болалар футболига ҳам жон-дили билан қизиқувчи ота-оналар учун қисқа муддатли курслар ташкил қилиш ўринлидир. Ана шу курсларда таҳсил олиш харажатларини Футболни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириш ўзини оқлаши аниқ. Тўғри, бунинг учун каттагина маблағ кетади. Бироқ клубларимиз мунтазам таклиф қилиб, асосан, захира ўриндиғида қолиб кетаётган легионерларга тўланаётган пул ундан анча кўплиги, шубҳасиз.

Футболчилик фаолиятини якунлаб болалар-ўсмирлар спорт мактаби ёки академия тренерига айланган ҳар бир мутахассис профессионал футболга, суперлига жамоасига ишга ўтиш ҳақида ўйлайди. "Генерал бўлишни орзу қилмаган аскар аскарми?" деган ақида бу ерда ноўрин. Аммо тренерлар оладиган иш ҳақи ўртасидаги тафовут ўз таъсирини ўтказиши бор гап. Ҳозир профессионал жамоа тренери ёшлар ва болалар-ўсмирлар футболидаги ҳамкасбларидан анча кўп пул топади.

Болалар билан ишловчи мураббий ўз шогирдларидан катталар футболига эшик очиш мақсадидагина фойдаланмаслиги, яъни ҳар қандай чоралар билан натижага эришишга интилмаслиги талаб қилинади. Болалар-ўсмирлар футболида спортчи 7 ёшдан 19 ёшгача жисмоний ва руҳий ривожланишда уч даврни бошдан кечиради, ўзгариб боради. Шуни инобатга олган ҳолда болалар футболидаги тренерлар ҳам муайян ёшдагилар билан ишлашга ихтисослашиши, уларнинг камол топишига кўмаклашишга ҳаракат қилиши зарур. Тренер ишининг самараси қўлга киритилган совринларда эмас, катталар футболида ўз ўрнини топа олган шогирдлари мисолида янада яққолроқ кўринади.

Болалар тренери бўлиб ишлаш фахрли ва юқори ҳақ тўланадиган даражага чиқарилиши даркор. Тренер учун бонус-рағбатлантириш тизими яратилиши керак. Масалан, мамлакат ўсмирлар/ёшлар/миллий терма жамоалари сафига кирган футболчиларнинг барча устозлари (улар қачон ва қанча вақт мобайнида устозлик қилганидан қатъи назар) мос равишда рағбатлантирилишини йўлга қўйиш муҳим. Худди шунингдек, иккинчи, Про лига ва Суперлига жамоасида ўйнаб кетган, хориждаги жамоадан жой олган футболчиларнинг устозларига устама ҳақ тўланиши зарур.

Айнан шу каби тизим мамлакатимиз оғир атлетикада юксак натижаларга эришиши учун замин ҳозирлади. Хоразм ёки Навоийдаги БЎСМда ишлаётган оддий тренер ўсмирлар/ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати ғолиби ёки совриндорини тайёрлагани учун яхшигина қўшимча ҳақ олади. Шу боисдан унинг ўзи яна янги юлдузларни кашф этишга интилади. Унга қараб атрофидаги ҳамкасблари янада яхшироқ ишлашга ҳаракат қилади.

Болалар тренери бўлишнинг нуфузи ошиши баробарида шу жойда ишлаш учун танлов шартлари ҳам ўсиб бориши, табиий.

Ёш иқтидор эгаларини вояга етказиш бобида дунёда етакчилардан саналган Голландия мактабларида тренерлар таркиби мунтазам янгиланиб борилади. Бу мутахассис таркибдаги қайсидир футболчини ёқтиргани учун унга алоҳида меҳр бермаслиги, шогирдларига бир хил, адолатли муносабатда бўлиши учун замин яратади. Мактаблар раҳбарияти тренерлар билан шартномаларни қисқа муддатга тузади ва ишининг сифатига қараб узайтириб боради.

**Болалар тренери бўлиб ишлаш фахрли ва юқори ҳақ тўланадиган даражага чиқарилиши даркор. Тренер учун бонус-рағбатлантириш тизими яратилиши керак. Масалан, мамлакат ўсмирлар/ёшлар/миллий терма жамоалари сафига кирган футболчиларнинг барча устозлари (улар қачон ва қанча вақт мобайнида устозлик қилганидан қатъи назар) мос равишда рағбатлантирилишини йўлга қўйиш муҳим.**

Болалар-ўсмирлар футболидаги оғриқли нуқталардан яна бири ҳакамлик билан боғлиқ. Аксарият ҳолларда ўйинда иштирок этаётган жамоалардан бирининг устози ҳакамлик қилади. У қарорларни холислик билан қабул қилгандаям рақиб жамоа вакилларига гўё ўз шогирдларига ён босгандек туюлаверади. Маҳаллий футбол мутасаддилари ушбу муаммони ҳал қилишга алоҳида эътибор қаратишлари талаб этилади. Шунда вақти етиб катталар футболида, айниқса, вилоятлардан юксак савияда ишлай оладиган янги ҳакамлар пайдо бўлади.

Болалар футболида, энг муҳими чинакам маҳорат соҳибини шакллантириш эканини ёддан чиқармаслик шарт. Бутун умри давомида болалар-ўсмирлар футболида ишлаган ва "Ред Булл" империясини шакллантиришга катта ҳисса қўшган голландиялик машҳур тренер Пит Хамберг, дарҳақиқат, тўғри фикрларни айтган эди:

— Ўсмирлар жамоаси аъзосининг иккита душмани бўлади: аввал ота-онаси, сўнгра тренерлари. Улар боланинг аста-секин юксалишини эмас, айнан ҳозир ўзини кўрсатишини хоҳлашади. Тренер майдонда болаларнинг эркини чеклаб, натижа учун ўйнашни талаб қилади. Бу эса болаларнинг истеъдодини жиловлаб, ўртамиёна футболчига айлантириб юборади.

Ҳар бир футболчи билан алоҳида ишлаш, унинг шахсий устун хусусиятларини ривожлантириш, футболни санъат даражасига олиб чиқиб, ундан завқ олишга ўргатиш ўрнига жисмоний устунлик эвазига ғалаба қозонишга ундашади. Ваҳолонки, теран фикрловчи, майдондаги вазиятни тўғри баҳолаб, оқилона қарор қабул қилувчи, ўйинни бошқара оладиган футболчиларни тайёрлаш осон эмас, лекин фахрли ва зарур.

Амстердамнинг "Аякс" клуби академиясида кўп жойларда бўлгани каби табиий ва сунъий чимли майдонлар, машғулот ҳамда тиббиёт марказлари, ошхона ва дам олиш бурчакларидан ташқари бошқа спорт турлари билан шуғулланиш учун шароит яратилгани эътиборга лойиқ. Жумладан, баскетбол майдончаси юқорида тўп учун курашиш малака ва кўникмаларини шакллантиришга ёрдамлашса, бадминтон ўйнаш бошни баланд кўтариб ўйнашга ўргатаркан. Шу каби майдончалар Европанинг бошқа клубларида ҳам пайдо бўлмоқда. "Аякс" академияси яқин келажакда алоҳида-алоҳида футболчиларни эмас, бир-бирини жуда яхши тушунадиган ўйинчилар гуруҳларини вояга етказиб, профессионал клубларга таклиф этишни режалаштираётгани диққатга сазовор.

Футбол академияларига танловнинг шаффофлиги ҳақида кўп гапирилади. Рақобат ўта кучли эканлигини барча яхши билади. Таниш-билишчиликнинг салбий таъсири таъкидланади. Шу ўринда Россияда энг кучли "Краснодар" ФК академияси тажрибасига мурожаат қилиш фойдали бўларди. Ушбу спорт масканига синовдан ўтиш учун ариза академия сайтида тўлдириларкан. Махсус саҳифада қуйидаги маълумотларни қолдириш тавсия этилади:

Фамилияси; исми; отасининг исми; туғилган санаси; туғилган жойи; фуқаролиги; яшаш жойи ва телефони; футбол билан неча йилдан буён шуғулланиши; шуғулланган футбол клублари; майдондаги ўрни; бўйи; вазни; 30 метрга югуриш учун сарфлайдиган вақти; 15 метрга югуриш учун сарфлайдиган вақти; жойдан узоққа сакрашдаги натижаси; ота-онаси ҳақида маълумот.

Натижалари талаб даражасида бўлганлар билан академия мутасадди ходими боғланиб, махсус саналардан бирида синовдан ўтиш учун таклиф қилади. "Имкони йўқ ишнинг ўзи йўқ" деганларидек, қолгани иқтидорли ёш футболчининг ўзига боғлиқ. Бундай тажрибани кўплаб келтириш мумкин.

Бу фикрларни "миллионлар ўйини" бўлган футболга қизиқишимиздан, унинг айрим жиҳатларидаги кўзга кўриниб турган камчиликларидан келиб чиқиб билдиряпмиз. Биз доимо юксак марраларни орзу қиламиз. Орзулар эса тизимли ишлар, тинимсиз меҳнат эвазига амалга ошади. Шундай, экан, мамлакатимиз футбол жамоалари тез орада қитъада етакчилар сафига қайтишига, футболчиларимиз нафақат Осиё чемпионатлари финал босқичида, балки жаҳон чемпионатларида иштирок этишига, ўзбек футболининг келгуси зафарларида "миллионлар ўйини"га таянч бўлиб турган учта ҳалқанинг биринчиси, яъни болалар-ўсмирлар футболи муносиб ҳисса қўшишига умид қилиб қоламиз.

**Мирзаҳаким ТЎХТАМИРЗАЕВ,**
**педагогика фанлари номзоди, доцент.**



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

# АБИТУРИЕНТЛАРНИ БУ ЙИЛ ҚАНДАЙ ЯНГИЛИКЛАР КУТМОҚДА?



*15 июндан эътиборан мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларига ўқишга киришни ният қилган абитуриентларнинг ҳужжатларини рўйхатдан ўтказиш бошланди. Вазирлар Маҳкамасининг 7 июндаги қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун ҳужжатларни қабул қилиш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентига мувофиқ ташкил этилаётган ушбу жараён кўпчиликда бир қатор саволларни юзага келтирди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида ўтказилган анжуманда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази мутасаддилари бу борадаги масалаларга ойдинлик киритди.*

**Анжуман**

## Тиббий маълумотнома талаб этиладими?

Давлат тест маркази бош бошқарма бошлиғи Барно Ражабовнинг қайд этишича, бу йил абитуриентларнинг ҳужжатлари бевосита қабул қилинмаяпти, фақат рўйхатга олинмоқда. Шунга қарамай, улар Давлат комиссиясининг 17-сон Баёни асосида белгиланган ОТМлар учун Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг туман ва шаҳарларда фаолият олиб бораётган давлат хизматлари марказларига ёки умумий тарзда ихтиёрий олий таълим муассасаларига фуқаролик паспорти (паспорт ёшига етмаганлар учун туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома), умумий ўрта таълим (11-синф негизида) ёки ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасини битирганлиги ҳақидаги ҳужжат (иловаси билан)нинг аслини тақдим этадилар. Имтиёзга эга бўлган абитуриентлар имтиёз ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатади. Улар кўздан кечирилиб, рўйхатга олингач, ўз эгасига қайтариб берилади.

Бу йил абитуриентлардан 086/У шаклидаги тиббий маълумотнома талаб этилмайди.

## Қайси ОТМга ДХМ орқали рўйхатдан ўтиш мумкин?

Жорий йилда Тошкент давлат юридик университети, Қорақалпоқ давлат университети, Гулистон давлат университети, Фарғона давлат университети, Самарқанд давлат университетига абитуриентларнинг ҳужжатлари онлайн тарзда my.gov.uz портали орқали ёки давлат хизматлари марказларида рўйхатга олинади. Қолган ОТМларга абитуриентлар бевосита ташриф буюрган ҳолда рўйхатдан ўтиши мумкин. Бу жараёнда бир жиҳатни алоҳида таъкидлаш керакки, йигит-қизлар бир вақтнинг ўзида 3 та олий ўқув юртига ўқишга кириш учун даъвогарлик қилиши мумкин. Масалан, Жиззах давлат педагогика институтида рўйхатдан ўтган абитуриент айни пайтда пойтахтимизда жойлашган Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талабаликка талабгор бўла олади. Бу абитуриентнинг рўйхатдан ўтиш жараёнида қайси олий таълим муассасасини белгилаганига боғлиқ бўлади. Бироқ танланган таълим йўналишлари турдош бўлиши, шунингдек, имтиҳонлар бир хил фанлардан ўтказилиши керак. Давлат хизматлари марказларида рўйхатдан ўтганлиги учун ҳеч қандай тўлов қилинмайди.

Рўйхатдан ўтишда махсус сўровнома шакли тўлдирилиши ва ундаги маълумотлар электрон маълумот алмашув тизимига киритилиши керак.

Ҳужжатлар 15 июлга қадар рўйхатга олинади.

## Имтиҳонлар қаерда топширилади?

Тест синовлари ўтказиладиган кун ва вақт Давлат комиссияси томонидан белгиланади ва Давлат тест марказининг расмий сайтида эълон қилинади. Кириш имтиҳонини қаерда топширишни рўйхатдан ўтиш жараёнида абитуриентнинг ўзи белгилайди. Тегишли тест материаллари мутасадди ташкилотлар томонидан ушбу ҳудудга етказиб берилади.

2019 йилдаги кириш имтиҳонлари учун 180 мингдан ортиқ тест топшириқларини шакллантириш режалаштирилган. Саволлар ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида тайёрланмоқда. Тестлар базасини шакллантириш бўйича Туркия, Жанубий Корея, Россия, Япония тажрибаси ўрганилиб, жорий йилда янгилик киритилмоқда. Жумладан, тест топшириқларида график, ёзувсиз карта, расмлар қўлланилади.

Юртимиз ОТМларига кириш имтиҳонларини ўтказиш учун 69 та бино ажратилган. Уларда бир кунда икки сменада тест синовлари ўтказилиши мўлжалланмоқда.

## Тест натижалари қачон эълон қилинади?

Абитуриентнинг фанлар бўйича тест синовида тўплаган умумий балл кўрсаткичи тест ўтказилган куннинг эртасига, шунингдек, унинг талабаликка тавсия этилганлиги ёки этилмаганлиги республика бўйича тест синовлари якунлангач, бир ҳафта давомида Давлат тест марказининг расмий веб-сайтида эълон қилинади. Эслатиш керакки, абитуриентнинг синов натижасида олган балл кўрсаткичи ҳужжатларини рўйхатдан ўтказиш жараёнида танлаган олий таълим муассасаларида тавсия этишга етарли бўлган тақдирда талабаликка қабул қилинади.

**Дилшод КАРИМОВ**
**(«Халқ сўзи») ёзиб олди.**

QISHLOQQURILISHBANK

# САРМОЯЛАР САМАРА БЕРМОҚДА




*Аҳолини тадбиркорликка жалб этишда банклар қандай ўринга эга? Уларнинг бизнес-режаларини молиялаштиришда-чи?*

*Кейинги пайтларда юртдошларимизнинг бизнес ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, кредитлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш молия муассасалари фаолиятидаги устувор йўналишга айланган. Бу жараёнда акциядорлик тижорат "Қишлоқ қурилиш банк"нинг иштироки, айниқса, салмоқли бўлмоқда.*

Гап шундаки, ушбу банк тизимида оилавий тадбиркорлик, қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш, замонавий ҳамда сўнгги технологияларни ишлаб чиқаришга кенг жалб этадиган корхоналарни кредитлаш йўналишларида мувофиқлаштирувчи тузилмалар ташкил қилинган. Айни пайтда банкда Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш бошқармаси, унинг филиалларида эса тадбиркорликни ривожлантириш махсус бўлимлари фаолият кўрсатаётгани бунинг тасдиғидир.

— 2019 йилнинг ўтган даврида банкнинг Фарғона минтақавий филиали томонидан жами 68 млрд. 85 млн. сўмлик кредитлар ажратилди, — дейди филиалнинг Кредит бўлими бошлиғи Муҳаммадсиддиқ Маматов. — Президентимизнинг жорий йил 7 мартдаги "Ҳудудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан, 3 млрд. 129 млн. сўмлик имтиёзли кредитлар йўналтирилди. Бундан ташқари, хорижий кредит линиялари ҳисобидан тадбиркорларга 3 млн. 678 минг АҚШ долларилик кредитлар ажратилди.

Ушбу маблағлар кўплаб истиқболли лойиҳалар ижросига кенг йўл очди. Масалан, Фарғона вилоятининг Қувасой шаҳрида жойлашган "Agro service asia" масъулияти чекланган жамиятида банк кредитлари асосида 39 млрд. 100 млн. сўмлик йирик лойиҳа амалга оширилмоқда.

— "Қишлоқ қурилиш банк" АТБ томонидан таклиф этилаётган кредитлар ҳам, уларнинг фоизи ҳам бизга маъқул келмоқда, — дейди мазкур жамият раҳбари Игор Бабаев. — Натижада банк кўмаги билан мева-сабзавотчилик кластерини ташкил этяпмиз. Лойиҳа тўлиқ ишга туширилгач, йилига 1 млн. 436 минг АҚШ долларилик маҳсулот етиштирилади. Бунинг учун бир йил мобайнида помидорнинг ўнга яқин навлари синов тариқасида етиштирилиб, унинг маҳаллий тупроқ-иқлим шароитига мос тушадиган нави кейинги йил учун танлаб олинади. Навбатдаги босқичда 5 гектарда иссиқхона барпо этилиб, ишчиларнинг салоҳиятига қараб бўлиб берилади. Соддароқ қилиб айтганда, яна икки йилдан сўнг 50 нафар ишчимиз ўз оилалари билан шу иссиқхоналарда помидор етиштирадилар, бу маҳсулотни ўзимиз сотиб олиб, тўлиқ экспорт қиламиз.

Чиндан ҳам, мазкур лойиҳанинг афзаллиги шундаки, унда нафақат жамият ишчи-ходимлари, балки ҳудуддаги қишлоқларнинг 50 га яқин хонадонлари иштирок этиб, помидор етиштиришмоқда.

— Ҳовлимизда 8 сотих томорқамиз бор, — дейди Қувасой шаҳридаги Қўчқорчи маҳалласида яшовчи Таваккал Турсунов. — Шу жойга "Agro service asia" масъулияти чекланган жамияти иссиқхона қуриб беришни таклиф қилди. Маъқул келди. Биздан томорқа ва парвариш экан. Етиштирилган маҳсулотни ўзлари сотиб олишаркан. Ишимизни кузатган қўшниларимиз ҳам мана шу юмуш билан шуғулланиш ниятидалар.



Айни кунларда "Қишлоқ қурилиш банк" АТБ мижозларга чет эл кредит линиялари асосида Хитой, Жанубий Корея, Германия ва Европа Иттифоқи давлатларидан замонавий ускуналар, технологик жиҳозлар сотиб олиш учун узоқ муддатли кредитлар таклиф қилмоқда. Бу эса ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантириш, саноатнинг янги тармоқларини ўзлаштиришда айни муддаодир.

**Элёржон ЭҲСОНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

*Хизматлар лицензияланган.*

Реклама ўрнида

**Маънавият**

## Ноанъанавий кутубхоналар

*"Йўл ёқалаб кетаётганингда кўзинг беихтиёр ойнаванд ихчам кутубхонага тушса, қадрдонингни топгандек суюниб кетаркансан, киши". Бу бизнинг эмас, қоракўлликларнинг эътирофи.*

Гап шундаки, туман ҳокимлиги ташаббуси билан аҳоли гавжум жойларда ана шундай ўзига хос кутубхоналар ташкил этилмоқда. Улар, ҳатто "Халқ кутубхонаси" деган ном олишга ҳам улгурди. Муҳими, аҳоли, хусусан, ёшлар бу янгиликдан хурсанд. Бизга маълум қилишларича, Қоракўлдаги барча маҳаллада ана шундай ноанъанавий кутубхоналар фаолияти йўлга қўйилади.

**Истам ИБРОҲИМОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

QISHLOQQURILISHBANK

**«Қишлоқ қурилиш банк» АТБ**

**банк фаолиятига доир қуйидаги хизматлар бўйича корхона ва ташкилотлар ўртасида танлов эълон қилади:**

— ўзбек, рус, инглиз тилларида рангли фотоальбом тайёрлаш ва чоп этиш;
— банкнинг ривожланиш тарихи ва фаолиятига оид ўзбек тилида китоб тайёрлаш ҳамда чоп этиш;
— ўзбек, рус ва инглиз тилларида ҳужжатли фильм тайёрлаш;
— ўзбек ва рус тилларида видео ҳамда аудиороликлар тайёрлаш;
— видео-аудиороликларни телеканаллар ва радиоканаллар эфирига жойлаштириш.

Танловга тижорат таклифлари 2019 йилнинг 24 июнь куни соат 17.00 га қадар, ёпиқ конвертда қабул қилинади.

Танлов шартлари ҳақида батафсил маълумотларга эга бўлиш учун қуйидаги манзилга ёки телефон рақамларига мурожаат қилишингиз мумкин:

**Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 18-«А» уй.**
**«Қишлоқ қурилиш банк» АТБ ахборот хизмати.**

*Хизматлар лицензияланган.*

**Телефонлар: 71-150-72-63, 71-150-45-34, www.qqb.uz**

471J/195

**«C and H Industry» МЧЖ ХК**
**Volvo Construction Equipment ва SDLG корхоналарининг**

***Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий дилерлик фаолиятини юритиб келмоқда ва қуйидаги махсус қурилиш техникаларини таклиф қилади:***

*Ғилдиракли экскаваторлар (ковши ҳажми 0.3 кубдан 1.1 кубгача).*
*Занжирли экскаваторлар (ковши ҳажми 1.0 кубдан 3.0 кубгача).*

**Шунингдек, SDLG (Хитой Халқ Республикаси) корхонаси VOLVO GROUP таркибига кириб, экскаватор-юклагичлар, фронтал юклагичлар, автогрейдерлар ва катокларни ҳам ишлаб чиқаради.**

**VOLVO махсус қурилиш техникалари**

Ғилдиракли экскаваторлар
Занжирли экскаваторлар



**SDLG махсус қурилиш техникалари (Volvo Group таркибига киради)**

фронтал юклагичлар
Экскаватор-юклагичлар
Автогрейдерлар
Катоклар



***Таклиф этилаётган барча техника учун кафолат муддати тақдим қилинади. Техник хизматлар кўрсатиш маркази ва эҳтиёт қисмлар омбори мавжуд.***

**Тўлов шартлари: пул ўтказиш, лизинг.**

**Манзил: Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Ўзгариш» ҚФЙ, Белариқ маҳалласи, 712-уй. (Мўлжал: «Турон» автосалони).**

**Тел.: 90-123-77-77, 71-252-50-03.**

416J/

Маҳсулотлар сертификатланган.

**ПРОФНАСТИЛ**

**ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ сизга қуйидаги маҳсулотларни тақдим этади:**

**гальванизацияланган ва полимер қопламали**

**ПРОФИЛЛАНГАН ЛИСТ**

**гофраси баландлиги: С-17, С-18, Н-35, Н-57.**

Профнастил учун материал сифатида рулондан кесилган гальванизацияланган ва полимер маҳсулотдан фойдаланилади.

**Россия Федерацияси металлургия комбинатларида ишлаб чиқарилган.**



**ГАЛЬВАНИЗАЦИЯЛАНГАН ПРОФНАСТИЛ**

- 0,4 мм. — **40 000** сўм/п.м.
- 0,5 мм. — **48 000** сўм/п.м.
- 0,45 мм. — **43 000** сўм/п.м.
- 0,7 мм. — **68 000** сўм/п.м.

**ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛИ ПРОФНАСТИЛ**

- RAL 3003, 3005, 8017, 9003 0,45 мм. — **52 200** сўм/п.м.
- RAL 3005, 6005, 8017 0,5 мм. — **56 000** сўм/п.м.

Маҳсулотлар сертификатланган.

**Тел.: (+998) 99 535-00-65, (+998) 95 197-00-93, (+998) 99 871-88-99**

437R/295

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 656. 57 463 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-233-52-55;*
*Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.*

ISSN 2010-6788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — А. Қутбиддинов.
Навбатчи — Д. Содиқов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.45 Топширилди — 23.30 1 2 3 4 5 6